2007 ЙИЛ, 10 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 196 (11.005) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

●Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Қуролли Кучларимиз сафига отланган бир гуруҳ чақирилувчиларни кузатиш маросими ўтказилди.

●«ЭКОСАН» Халқаро ташкилоти Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишлаб «Инсон саломатлиги ижтимоий-гигиеник ва экологик ўлчамларда» мавзуида учрашув ташкил қилди.

●Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида «Агрохизмат-Шингдонг» Ўзбекистон –Жанубий Корея қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган корхона бир кунда 60 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда 100 киши иш билан таъминланди.

●Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бир мавсумда 50 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган заводни реконструкция қилиш ишлари якунланди. Реконструкция ишларига 1 миллиард 848 миллион сўм маблағ сарфланди.

● АК «Пахтабанк»нинг Сурхондарё вилоят бўлими ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратмоқда. Жумладан, фақат жорий йилнинг август ойидан бошлаб сурхондарёлик 60 та ёш оила 110 миллион сўмлик ҳам ипотека, ҳам истеъмол кредитларини имтиёзли асосларда олишди.

● Нарпай тумани маркази —Оқтош шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Оқтош мева» корхонаси ўзининг томат қайласи ҳамда мева шарбатлари каби маҳсулотларини Россия ва Украина давлатларига экспорт қила бошлади.

●Нуробод туманидаги Нурбулоқ қишлоғида маиший хизмат йўналишидаги янги коллеж биноси қад ростлади. Уни бунёд этиш учун бир миллиард 429 минг сўм маблағ сарфланган бўлиб, қурилиш-монтаж ишларини Самарқанддаги «Савдоқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда амалга оширдилар.

●Қўнғирот туманида янги тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. 728-қурилиш –монтаж поезди томонидан барпо этилган мазкур ўқув маскани қурилишига жами 1,7 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

●Ижтимоий ҳимоя йилида Арнасой туманидаги «Сангзор» фермер хўжалиги томонидан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болаларга кўрсатилган ҳомийлик ёрдами миқдори 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

● Қорақалпоғистондаги И.Савицкий номли Давлат санъат музейида «Оролбўйи маданият чорраҳасида» халқаро симпозиуми доирасида ташкил этилган «Қадимий цивилизациялар изидан» мавзуидаги кўргазма бўлиб ўтмоқда.

ЖАҲОНДА

●Кеча Бойқўнғирдаги космодромдан Россия, АҚШ ва Малайзия фазогирларидан иборат 16-Халқаро космик экспедиция «Союз» кемасида коинотга парвоз қилди. Айтиш керакки, бу Шайх Музаффар Шукур тимсолида малайзиялик космонавтнинг коинотга илк парвозидир. Режага кўра «Союз» космик кемаси 12 октябрда халқаро космик станция билан туташади.

●Кеча Стокгольмда физика бўйича Нобель мукофотининг бу йилги соҳиблари аниқланди. Унга нанотехнологиялар соҳасидаги жаҳоншумул ютуқлари учун француз ва немис олими сазовор бўлди.

●Бағдоддаги Польша элчихонаси яқинида бомба жойлаштирилган автомобиль портлатиб юборилди. Натижада бир киши ҳаётдан кўз юмди, уч нафари жароҳатланди. Маълумотларга кўра террорчилик ҳаракати оқибатида элчихона ходимлари жабрланмаган.

●Москвада махсус хизмат вакиллари томонидан бир неча йил давомида банкларда 7 мингдан ортиқ ноқонуний операцияларни амалга ошириб, 60 миллион рублни ўзлаштирган фирибгар ва қаллоблар гуруҳи фош этилди. Ушбу жиноий иш юзасидан 100 дан ортиқ киши ҳибсга олинди.

●Покистон армияси қўмондонлигининг маълум қилишича, мамлакатнинг Афғонистон билан чегара ҳудудида жангарилар билан кечган отишмалар чоғида 50 нафар аскар бедарак йўқолган.

●Марокашда 5 нафар шахс террорчилик ҳаракатини уюштиришга тайёргарлик кўрганликда гумон қилиниб қўлга олинди. Улар уюшган жиноятчилик ва теракт содир этишда айбланмоқда.

●2000 йили Сиднейда ўтказилган ёзги Олимпиадада учта олтин, 2 та бронза медалларининг соҳиби бўлган АҚШлик енгил атлетикачи Мэриан Жонс икки йил давомида тақиқланган стероидларни қабул қилганлигини бўйнига олди. Эндиликда олимпиа медалларидан маҳрум қилинишдан ташқари Жонс қамоқ жазосига ҳам ҳукм этилиши мумкин.

●Будапештда ўтказилган «Кубик-рубик» йиғиш бўйича жаҳон чемпионатида 16 ёшли японияли Ю.Накаджима 6 рангли кубик-рубикни 12.46 сонияда йиғишга муваффақ бўлган ҳолда ғолибликни қўлга киритди.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 ОКТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА «GENERAL MOTORS EUROPE» («GME») КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ КАРЛ ПЕТЕР ФОСТЕР ВА «GM DAEWOO AUTO & TEHNOLOGY» («GMDAT») КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЙКЛ ГРИМАЛЬДИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири бўлган «General Motors»нинг «GME» компанияси Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаларида фаолият кўрсатади. 2007 йилнинг биринчи ярмида у 1,1 миллиондан зиёд автомобиль сотишга муваффақ бўлди. «GMDAT» компанияси эса «Buick», «Cadillac», «Chevrolet», «Holden», «Opel», «Pontiac», «Suzuki» каби кўплаб русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариб, 150 мамлакатга етказиб беради. «General Motors» компанияларининг маҳсулотлари орасида «Chevrolet» русумли автомобиллар энг харидоргир саналади.

«GME» ва «GMDAT» компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифи асносида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти негизида «Шевроле» автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат уч русумдаги «Chevrolet» – «Captiva», «Epica» ва «Tacuma» автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан «General Motors» компаниялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани томонларнинг ҳамкорликка интилиши кучли эканлигидан далолатдир, деди.

Дарҳақиқат, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш юртимизда «General Motors» корпорациясининг автомобилсозликдаги илғор тажриба ва янги технологияларини ўзлаштириш имконини беради. «General Motors» эса Марказий Осиё ва Шарқий Европада ўзининг «Шевроле» русумли автомобиллари бозорини кенгайтиради.

«GME» раҳбари К.П.Фостер «GM Ўзбекистон»ни ташкил этиш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди. Янги қўшма корхона ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «GME» ва «GMDAT» компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Кўргазмалар





КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА 4-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО «AutoMotoShow Uzbekistan — 2007» АВТОМОБИЛЬ КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. МАЗКУР КЎРГАЗМА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ITE ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ ҲАМДА БУЮК БРИТАНИЯЛИК ҲАМКОР — «I.T.E. Exhibitions Conferences Ltd» КОМПАНИЯСИДИР.

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЛАР НАМОЙИШИ

Мустақиллигимиз шарофати билан юртимиз бугунги кунда автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлар орасида муносиб ўрин эгаллади. Боиси, мамлакатимиз автосаноатини ривожлантириш учун бизда барча имконият, етарли шарт-шароит ҳамда истиқбол режалари мавжуд. Ушбу кўргазманинг ташкил этилиши нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақаси учун ҳам катта воқеа саналади. Лойиҳанинг асл моҳияти — автокомпонентларни ишлаб чиқарувчилар, иккиламчи пудратчилар ҳамда машҳур, етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг юртимизда фаолият юритаётган ёки энди иш бошлаётган дилерлари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш, уларни ривожлантиришга кўмаклашиш, ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш, жумладан автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар билан, автодўкон, сервис марказлари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, тюнинг марказлари ўртасида қулай мулоқот учун етарлича шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Эътиборли томони, мазкур халқаро автомобиль кўргазмаси доирасида «KIA Motors (Корея), Mitsubisi» (Япония), «Saipa Corporation» (Эрон), «АвтоВАЗ», «УАЗ», «Chebrolet-Niba» (Россия) каби жаҳонга машҳур автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари билан бирга, мамлакатимизнинг «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг экспозициялари барча иштирокчиларнинг диққат марказида бўлиши, шубҳасиз.

Бу галги кўргазмада жаҳоннинг 11 та давлатига мансуб бўлган 40 та етакчи компаниялар (хусусан, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Эрон, Туркия, Польша, Литва, Россия каби давлатлардан) ўзларининг автомобиль, автобус, махсус автомобиль, қишлоқ хўжалиги техникаси, тиркама ҳамда қурилмалар, автомобиль двигателлари, унинг компонентлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни тавсия этишмоқда. Шунингдек, лок-бўёқ материаллари, ёнилғимойлаш маҳсулотлари, автокосметика, йўл-қурилиш техникаси, шина, резинатехника буюмлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари учун ускуналар ва суғурталаш, сертификатлаш, ўқитиш, лизинг хизматларининг етакчи мутахассисларидан малакали маслаҳатлар олинади.

Шу ўринда 2004 йилдан буён самарали фаолият юритаётган «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси автомобиль тармоғини бошқариш масалаларини ҳал қилувчи тузилма ҳисобланиши, яъни 2007 йилда компания корхоналари, масалан «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган барча русумли машиналар: «Нексия», «Матиз», «Дамас»лар бўйича 58,9 фоиз маҳаллийлаштириш даражасига эришилганини стендлардан яққол кўриш мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу «AbtoMotoShow Uzbekistan-2007» 4-ўзбек Халқаро автомобиль кўргазмаси юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш, кўплаб хорижий шерик, ҳамкорлар билан учрашиш учун имкониятлар яратади.

Ушбу кўргазма 12 октябргача ўз ишини давом эттиради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: 4-ўзбек Халқаро автомобиль кўргазмасидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИНИ МУНОСИБ РАВИШДА БОСИБ ЎТДИ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси юзасидан хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий, илмий ва эксперт доиралари вакилларининг баҳо ва шарҳлари мамлакатимизнинг чет эллардаги ваколатхоналарига келиб тушиши давом этмоқда.

Хорижий эллар вакилларининг бу муҳим ҳужжат юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ва баҳоларида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда республикада кенг кўламли ислоҳотларни руёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашлари баён этилади.

Бремендаги Европа ҳуқуқи тадқиқотлари бўйича марказнинг кузатув кенгаши аъзоси, Бремен университети профессори Хаген Лихтенберг, мустақилликнинг 16 йили давомида Ўзбекистоннинг тараққиёт босқичлари юзасидан Президент И.Каримов маърузасида берилган баҳони шарҳлар экан, биринчи босқичда «минтақавий қудратли давлатлар ва экстремистик оқимларнинг ҳокимиятга интилишувига бўлган манфаатларидан ёш республикани ҳимоя қилиш мақсадида кучли давлат тартиботларини яратиш даврнинг талаби» бўлганини таъкидлайди.

Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш ва мамлакат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун туб ислоҳотларни амалга оширишнинг зарур йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди.

Шубҳасиз, бу ишларни рўёбга чиқариш учун улкан саъй-ҳаракатлар йўлини тутиш, барча соҳаларни баравар равишда жадал ривожлантириш лозим эди. Бу муаммоларни ҳал этиш ҳақиқатдан ҳам жуда оғир масала ҳисобланарди. Аммо, шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган эркин ва демократик жамият яратишга бўлган интилишлари тарихий муваффақиятни қозонди».

Профессор Х.Лихтенберг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузаси сўнгги 16 йилда мамлакатнинг мустақил тараққиёти аниқ-равшан ва мухтасар баён этилган муҳим ҳужжатдир.

Берлин-Бранденбург иқтисодий консуллар бирлашмаси бошқаруви раиси Инго Бетцнинг фикр билдиришича, «Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланишнинг мураккаб йўлини муносиб равишда босиб ўтди. Бу борада юзага келган улкан муаммоларни жуда қисқа давр ичида ижобий ҳал эта олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро ҳамжамият билан мустаҳкам савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатиш учун улкан ишларни амалга ошириди. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам иқтисодий, ҳам маънавий соҳаларда мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун улкан ва, айтиш мумкинки, жуда муваффақиятли саъй-ҳаракатларни олиб борди.

Ўйлайманки, Ўзбекистон бундан ҳам зиёд тараққий этиши учун салмоқли салоҳиятга эгадир. Ўзбекистон раҳбари мамлакат ёшлари учун, айниқса, порлоқ келажак учун яхши асос — таълим олиш йўлида кўп ишларни амалга оширди ва бу жараён давом этмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан ва муваффақиятининг асосий омилларидан бири мамлакат фуқароларининг халқаро ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари билан тенг ривожланиши имкониятини кафолатлаш мақсадида ўзининг тўла мустақиллигини таъминлашдан иборатдир. Гап Ўзбекистон ҳақида борар экан, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда мазкур тамойилни рўёбга чиқариш етарли даражада таъминланмоқда».

Германия халқлар университетлари ассоциацияси ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик институтининг Марказий Осиё бўйича лойиҳаси раҳбари Уве Гартеншлегер Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Қозон Давлат маданият ва санъат институтидан келган ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган тадбирда санъат, маданиятни янада ривожлантириш мақсадида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги маълум қилинди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туманидаги 268-мактабда «Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш асослари», «Репродуктив саломатлик, гиёвандлик ва ОИТС ҳақида нималарни биласиз?» мавзуларида ўтказилган тадбирда мутахассислар, ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари ҳамкорликларида уюштирилди.

●**КЕЧА** шаҳримизда уюштирилган брифинг халқаро сифат стандартларининг аҳамиятига бағишланди.

●**БУГУН** шаҳримизда «Транспорт ва логистика: Транс Ўзбекистон—2007» халқаро кўргазмаси очилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

№ 196 (10.10.2007)

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИНИ МУНОСИБ РАВИШДА БОСИБ ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Биз Ўзбекистон ва ўзбек халқи жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани билан фахрланамиз, дейди у ўз шарҳида. Институтимиз 2002 йилдан буён профессионал таълим ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш соҳаларида Ўзбекистонга кўмак кўрсатиб келмоқда.

Биз юқори малакали мутахассислар ўқитилаётган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Ўзбекистон касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари тизимини муносиб равишда баҳоладик. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур кенг қамровли ва муҳим жабҳани ўз вақтида сармоялаганини олқишлаймиз. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистон профессионал таълим тизими энг яхши ишлаб чиқилган мамлакатлардан бири ҳисобланади».

Нидерландиядаги Твенте университетининг халқаро сиёсат бўйича департаменти раҳбари, профессор С.Станбер фикр билдиришича, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан баён этган ушбу маърузаси, шубҳасиз, мамлакат ёшлари азму шижоати ва интилишларини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Нидерландиялик эксперт тарихан қисқа давр ичида халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлган мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида кўҳна цивилизация ва маданият, буюк мутафаккирлар, олимлар, шоир ва саркардаларни дунёга туҳфа этган муқаддас замин сифатидагина эмас, балки жаҳон иқтисодиётига муваффақиятли интеграциялашаётган, 140 дан ортиқ мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатган давлат сифатида ҳам танилганига эътибор қаратди.

С.Станбер экспортга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти бугунги кунда халқаро алоқалар тизимига дадил кириб борганини, мамлакат дунё бозорида рақобатлаша олиш ва қўшни эллар билан ҳамда жаҳоннинг бошқа минтақаларидан келган шериклар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Нидерландиялик экспертнинг қайд этишича, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мазкур соҳада қонунчилик асосларини яратиш масалаларида ҳам сезиларли даражада илгариладики, бу тараққиётни Ғарбнинг айрим етакчи мамлакатлари билан таққослаш мумкинлиги, айниқса қувонарлидир. Жумладан, Европанинг қатор мамлакатлари ўлим жазосини жазо тури сифатида бекор қилиш мана бир неча йиллардан буён ҳамон кўриб чиқилмоқда. Шу маънода, республика раҳбариятининг 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон томонининг ушбу йўналишда жиддий чора-тадбирлар қабул қилаётганидан далолатдир.

Бельгияда нашр этиладиган «Diplomatic News» журнали бош муҳаррири Жулио Кабреро Морено Президент Ислом Каримов маърузасини «тоталитаризмдан демократияга, марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти сари ўтиш йўлининг ёрқин натижаси бўлди», дея баҳолади. Бельгиялик экспертнинг қайд этишича, «бу йўл, шубҳасиз, мураккаб ва уни мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларига мослаштириш зарур эди, аммо барча соҳалардаги ривожланиш натижалари яққол кўриниб турибди».

Ж.Морено фикрича, «дунёда ҳеч нарса мукаммал эмас ва демократия қурилиши узоқ муддатли тарихий вазифа, бироқ энг муҳими – бу мақсаднинг мавжудлиги ва уни амалга ошириш юзасидан тадбиқ этиладиган изчил кундалик саъй-ҳаракатлардир».

Ўзбекистон Республикасининг Жидда шаҳридаги Бош консулхонасида Юртбошимизнинг ушбу маърузаси муҳокамасига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Саудия Арабистони жамоатчилиги ва у ерда истиқомат қиладиган ўзбек диаспораси вакиллари иштирок этди. Тадбир қатнашчилари орасида ўз маърузаси билан қатнашган Сафохон Тўра Марғилоний ва Обид қори Муҳаммаджон мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик ҳамда тараққиётни таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти амалга ошираётган улкан саъй-ҳаракатларга юксак баҳо бердилар. Улар яқинда мамлакатимизда бўлган чоғларида, жумладан, Марғилон шаҳрига келишганида Ўзбекистоннинг йилдан-йилга гуллаб-яшнаётгани, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётгани, миллий, маданий ва маънавий қадриятларга асосланган кенг кўламли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишганини алоҳида мамнуният билан таъкидладилар.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ДАВЛАТЛАРИ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМДА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БИЗНЕС-ФОРУМ ШАҲРИМИЗДАГИ «RADISON SAS» МЕҲМОНХОНАСИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур бизнес-форум Латвия давлатининг юртимиздаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилиб, унда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, кончилик, металл ва ёғочни қайта ишлаш, қурилиш, фармацевтика каби қатор соҳалардаги масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, ўзаро манфаатли шартномалар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, ривожлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Латвиялик ишбилармонларга юртимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида ранг-баранг маълумотлар берилди.

—Латвия Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда, —деди жумладан, Латвия Республикаси Савдо-саноат палатаси бош директори, делегация раҳбари Андрис Гутманис.—Боиси, юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун сармоявий муҳит, зарур шарт-шароит ҳамда имтиёзлар яратилганлигига яна бир бор амин бўлдик. —Бугунги самимий мулоқотлар ҳам икки томонлама алоқаларимизни янада мустаҳкамлаши, самарали саъй-ҳаракатларимизга замин яратишига ишонамиз.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2006 йилда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 82,2 миллион, жорий йилнинг саккиз ойида эса 67,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Латвия сармояси иштирокида тузилган 20 та қўшма корхона фаолият юритмоқда, улар тўқимачилиқ, электроника маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш, радиоалоқа воситалари, машинасозлик ҳамда фармацевтика сингари соҳаларни қамраб олган.

Меҳмонлар Республикамиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишиш. Ушбу форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, шунингдек, металл ва ёғочни қайта ишлаш, логистика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, электртехника, енгил саноат ҳамда сайёҳлик соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш, Латвия компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенгроқ жалб этиш масалалари атрофлича, батафсил муҳокама қилинди.

Хусусан, «Яуда» (электрон маҳсулотлар), «Ругени» (биологик ёнилғи ишлаб чиқариш), «Лаксана» (ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари), «Винцентс Попилайн» (қурилиш компанияси), «Лекон» (метални қайта ишлаш, қимматбаҳо металлар савдоси) каби Латвия Республикасининг қатор йирик компаниялари вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятларини кенгайтиришни мақсад қилганларини эътироф этишди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг бир қатор компания ҳамда корхоналари ва Латвия Республикаси ишбилармон доираларининг вакиллари қатнашган кооперацион биржа ҳам ташкил этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ИНСОНЛАРНИ ПОКЛИККА, ЭЗГУЛИККА, ЯХШИЛИККА ЧОРЛОВЧИ АЙНИ РАМАЗОН ОЙИДА САВОБЛИ АМАЛЛАРНИ БАЖАРИШ, МЕҲРГА ТАШНА ИНСОНЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ, УЛАРГА МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОДАТ.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Куни кеча Тошкент шаҳар Ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан хайрли тадбир амалга оширилди. Туманда яшовчи ёрдамга муҳтож, меҳрга ташна ногиронлар учун «Меҳрибонлик» жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлими раҳбарияти ташаббуси билан Тошкент вилоятида жойлашган Зангиота зиёратгоҳига экскурсия уюштирилди.

— Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, — дейди биз билан суҳбатда жамият раиси Юлдузхон Мирзакаримова. — Ана шу қоидага амал қилган ҳолда экскурсия доирасида жамиятимиз аъзоларига дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Хуллас жамиятимиз аъзолари ушбу хайрли тадбир ниҳоясида нечоғлик хурсанд эканликларини изҳор қилишди.

Дарҳақиқат, Юлдузхон Мирзакаримова таъкидлаганидек, барака ойи бўлмиш Рамазон кунлари жамият аъзолари ҳолидан тез-тез хабар олинмоқда. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ногиронларга дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда. Энг қувонарлиси, жорий йилнинг шу кунига қадар жамият аъзоларининг кўпчилиги тиббий кўрикдан ўтказилди, шифохоналарда, санаторийларда ҳомийлар ёрдамида бепул даволанди.

Ана шундай эзгу, савобли ишлар мудом давом этаверсин, кўнгли ўксик қалблар доимо хурсанд бўлаверишсин.

(Ўз мухбиримиз)

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ИНСПЕКЦИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ РАҲБАРИЯТИ ВА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, МАКТАБ ВА БОШҚА ИНШООТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 2 МАЙДАГИ «РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИНИ 2007/2008 ЙИЛ КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА БАРҚАРОР ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-634 СОН ҚАРОРИГА АСОСАН КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛДИ.

Мониторинг даврида пойтахтнинг Мирзо Улуғбек ҳамда Ҳамза туманларидаги 7 та мактаб ўрганилди. Албатта юқоридаги ўқув муассасаларида кузги-қишки мавсумга муайян даражада тайёргарлик кўрилганлиги маълум бўлди. Хусусан, иситиш тизимларида бирор-бир жиддий носозликлар йўқ. Бироқ Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими қошида жойлашган спорт мажмуасида ҳамда 54-мактабда ёнғин хавфсизлиги ва ёритиш мосламалари таъмирланиши борасида айрим камчиликлар борлиги аниқланди ва уларни тузатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

М.ИСҲОҚОВ,
С.ВАЛИХОНОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспекторлари

Масалан, беш йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмир-ёшларни жалб этган ҳолда, кам таъминланган оила фарзандларининг Тошкент ҳайвонот боғига, музейлар, Тошкент Планетарийсига ташрифларини уюштириш ҳисобланади. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, ўқув марказлари ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг 11 та туман маҳаллаларида бепул компьютер курслари, диний ва сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик бўйича олий ўқув юртлари талабалари иштирокида маърузалар, чет тилларини ўргатувчи ўқув курслари ташкил этилди.

«Камолот»

ЁШЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ ЛОЙИҲАЛАР

МАЪЛУМКИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ПОЙТАХТ ЁШЛАРИНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ, МАРОҚЛИ ВА ФОЙДАЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА КЎПЛАБ МАЗМУНЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунимиз тезкорликни талаб қилади. Зеро, фавқулодда вазиятлардан чиқиб кетишда ҳамда уни бартараф этишда айнан ана шу тезкорлик бирламчи вазифани бажаради. Айниқса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими маҳалла ёшлари ўртасида «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» дарсларини ҳам ташкил этди. Бундан ташқари, ҳар бир туман ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида тадбирлар ҳам ўтказди. Мисол учун «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Тошкент автомобиль йўллари институти бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда «Йўл қоидаси — умр фойдаси» лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳа орқали кичик ёшдаги болаларга содда ва жўн тилда йўл ҳаракати қоидалари тушунтирилди ва унга риоя қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши расмлар орқали кўрсатилди.

Ҳаракатнинг Чилонзор туман бўлими томонидан эса туман болаларининг ўз қўллари билан миллий урф-одатларимизга таянган ҳолда, миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатишга қаратилган махсус ўқув дарслари тумандаги касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бу йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингач, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига яқиндан ёрдам бериш, уларни маънан қўллаб-қувватлаш ишлари айниқса авж олди. Бу ишлар мунтазам давом этди. Хусусан, туманларда ихтиёрий равишда ташкил этилган «Кўмак гуруҳи» туманда истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қолган қариялар ҳолидан хабар олиш, уйларига бориб, уй юмушларида ёрдам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйди. Шундай экан, «Патронаж» лойиҳаси ёшларимизни меҳр-шафқатга, инсон қадрига етишга ўргатади десак, муболаға бўлмайди.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни «Камолот» фаолиятидан боҳабар қилиш мақсадида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва маданий дам олиш тадбирларини ўз ичига олган «Камолот» куни» тадбири ҳам ташкил этилди. Бу тадбир пойтахтнинг 11 та туманида ўтказилди.

Демак, «Камалак жилоси», «Қариялар патронажи», «Кўмак гуруҳи», «Камолот» куни», «Сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик», «Диний саводхонлик», «Деворга расм чизиш» каби лойиҳа ва тадбирлар болажонларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишга хизмат қилди.

2006-2007 ўқув йили меҳнат мавсуми якуни бўйича ишларни сарҳисоб қилиш, мавсум давомида фаоллик кўрсатган ишчи гуруҳлар ва талабаларни рағбатлантириш, улар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида «Бунёдкор— 2007» талабалар меҳнат отрядлари фестивали ташкил этилди.

Фестиваль даврида тажриба тариқасида 12 та олий таълим муассасаларида 69 та меҳнат отрядлари ташкил этилиб, уларда 2447 нафардан ортиқ талабалар иш берувчи ташкилот, муассаса, хўжаликлар билан шартнома асосида 53 та объектда иш олиб боришди.

Меҳнат отрядларидаги талабалар асосан қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилди.

Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ёшларнинг яхши дам олиб, янги ўқув мавсумини бошлашларида юқоридаги лойиҳалар ва турли дастурларнинг ҳар жиҳатдан фойдаси катта бўлди деб ўйлаймиз.

Мастурахон ТОШПЎЛАТОВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими матбуот котиби

Транспорт

«ИСУЗУ»ДАН ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИДА ИХЧАМ, ҚУЛАЙ, ТЕЗ ҲАРАКАТЛАНАДИГАН «ИСУЗУ» АВТОБУСЛАРИ ЙЎЛОВЧИЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНИГА УНЧАЛИК КЎП ВАҚТ БЎЛГАНИ ЙЎҚ.

Шаҳримиздаги «1-Автобус саройи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ана шундай русумдаги автобусларни биринчилардан бўлиб йўналишларга қўйган корхоналардан ҳисобланади.

—Тўғрисини айтсам, дастлаб ушбу транспортларни 81-йўналиш бўйича қўйганимизда бироз иккиланишлар бўлганди, —дейди жамият бошқаруви раиси Акром Адҳамов.—Аммо орадан бироз вақт ўтар-ўтмас, «Исузу» бошқа турдош транспортларга нисбатан ўзини тўлиқ оқлай бошлади. Кунлик ва ойлик режалар ҳам ортиғи билан уддалана бошлади. Муҳими, қулай транспорт воситасига йўловчилар ҳам ўрганиб қолишиб, унинг қатновини кутадиган бўлишди. Энг асосийси, «Исузу» тез ҳаракатланиб, кам дизель ёнилғиси сарфлайдиган транспорт турларидан ҳисобланади.

(Ўз мухбиримиз)

23 декабрь - Ўзбекистон Республикас Президенти сайови куни

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН. МАЪЛУМКИ, ШУ ЙИ23 ДЕКАБРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СОНИДАН БОШЛАБ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ ЭЪТИБОРИИЗГА ҲАВОЛА ЭТИБ БОРАМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва бевосита ўзгаридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти етти йил муддатга сайланади.

2-модда. **Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумотлилиги, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

3-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бевосита овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг ҳоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг битта овозга эга.

4-модда. **Сайловнинг сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига кўра Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

5-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхатлари билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов якунлари ҳақида ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олганидан кейин беш кун ичида кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўйган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

(Давоми келгуси сонда)

Маънавият — ақл кўзгуси

Маърифат сабоқлари

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЧАМАН

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗГАН АНЖУМАННИНГ ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ ISESCO ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИГА 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕГАН МУБОРАК НОМНИНГ БЕРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАНЛИГИ ТАДБИРГА ЎЗГАЧА ФАЙЗ ВА ШУКУҲ БАХШ ЭТДИ...

Ҳа, шу куни пойтахтимиздаги «Исломобод» марказининг анжуманлар ўтказиладиган гўшаси одамлар билан лиқ тўлди. Улар орасида тумандаги мавжуд қирқ саккизта маҳалланинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, тумандаги «Исломобод», «Кўкча», «Самарқанд дарбоза», «Катта боғ», «Оқлон», «Шофайз», «Оқтепа» ва бошқа маҳаллалардан вакиллар, 186-мактаб ўқувчилари, пойтахтимизнинг Юнусобод, Чилонзор туманларидаги маҳаллалардан ҳам меҳмонлар, таниқли олимлар, хушовоз хонандалар бор эди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази туман бўлими «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент Ислом университети билан ҳамкорликда бундан икки йил муқаддам ташкил этилган «Саодат чамани» деб номланувчи туман маънавий-маърифий, диний-фалсафий ва ҳаёт сабоқлари мактабининг машғулотларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Шу ўринда айтиш керакки, мактаб машғулотларининг қизиқарли, таъсирчан ва мароқли ўтишида Шайхонтохур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сурайё Пўлатова ҳамда маънавиятимизнинг толмас тарғиботчиси, тиниб-тинчимас инсон Музаффар Жаъфаровнинг кўрсатаётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Маънавий-маърифий, диний-фалсафий ва ҳаёт сабоқлари мактабининг бу галги машваратини кириш сўзи билан очган Музаффар Жаъфаров, Тошкент Ислом университети магистранти Ҳабиба Ҳамдамова, исломшунос Озода Тўлагановалар мустақиллик берган улуғ неъматлар ҳақида, Юртбошимизнинг «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик», деб таъкидлаб ўтган пурмаъно сўзларига алоҳида урғу бердилар, саодатга элтувчи гулшан бўлмиш ушбу мактабнинг эл аро тобора довруғ қозониб бораётганлигининг сабаблари хусусида фикр билдирдилар.

— Қаерда ташкилотчилик ва бажариладиган ишга масъулият ва фидойилик бўлса кўзланган мақсадга эришилар экан, — дейди «Саодат чамани» мактаби машғулотларининг фаол ташкилотчиларидан бири Асқар ака Обидов. — Бинобарин, инсонларни саодатга элтувчи гулшан машғулотлари одамлар қалбига зиё олиб кирмоқда, уларнинг маънавий-маърифий фикр доиралари янада кенгайишига омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат шундай! «Саодат чамани» мактабининг бу галги машғулоти унинг қатнашчилари қалбида яна бир унутилмас воқеа билан узоқ вақт эсда қоладиган бўлди. Узоқ йиллар Тошкентдаги «Баёт» ашула ва рақс дастасида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаган, ўнлаб хорижий мамлакатларда гастрол сафарларида қатнашган, ҳозирда эса Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Вокал жамоаларига раҳбарлик» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб бораётган филология фанлари номзоди, доцент Раҳматуллоҳ Носирнинг кўп йиллик машаққатли изланишлари самараси ўлароқ яратилган «Соз билан суҳбат» деб номланувчи адабий-мусиқий композиция асари ва шу тўпламдан ўрин олган машҳур ҳофизларимиз ижросидаги қўшиқларнинг ДВД ва МРЗ вариантларининг тақдимот маросими ушбу анжуманга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади.

— Мазкур китоб шу пайтгача санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади, — дейди муаллиф Раҳматуллоҳ Носир. — Ўқув қўлланмаси ўз моҳияти ва тузилишига кўра нафақат санъатшунослик, маданият, олий ўқув юртлари талабалари ва мутахассисларига, балки республикамизнинг барча олий ўқув юртларида адабиёт, тарих, маданият, маънавият, мусиқа соҳаларига доир фанлар, ўқув курслари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

— Шуни айтиш керакки, «Соз билан суҳбат» деб номланган ушбу тўпламда устоз ҳофизларнинг кўп асрлик анъаналарига таяниб, шогирдлар томонидан ижро этилаётган ҳамд, муножот, наът, манзума ва панд-насиҳат қўшиқлари жамлангани нур устига нур бўлибди, — дейди анжуманнинг дастур муаллифи ва режиссёри, маданият аълочиси Музаффар Жаъфаров. — Бугунги маросимнинг яна бир эсда қоладиган жиҳати ушбу тўпламдан жой эгаллаган, таниқли ҳофизларимиз ижросидаги қўшиқларнинг дискдан ўрин олган намуналарини завқ билан эшитиш бўлди...

Чиндан ҳам «Исломобод» марказида ўтказилган анжуман унинг ҳар бир иштирокчиси қалбига бир олам қувонч ва завқ бағишлади. Буни маросим қатнашчиларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Абдуғани АЗИЗОВ,
Шайхонтохур туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ушбу анжуман ҳамманинг ёдида узоқ вақт сақланадиган бўлди. Юртимизда маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор қаратилаётган пайтда бугунгига ўхшаш маросимларнинг тез-тез ўтказилиши фақат фойда келтиради, одамлар қалбига зиё олиб киради.

Фотима ЛАТИПОВА,
пойтахтимиздаги 186-мактаб ўқитувчси:

— Бугунги тадбирга мактабимизнинг бир гуруҳ қизларини олиб келдик. Тўғрисини айтсам, анжуман янада катта таассурот қолдирди. Бу ерда айтилган ибратли гаплар, насиҳатлар, ижро этилган мумтоз қўшиқлар ёшларимизнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатади. Гарчи математика фани ўқитувчиси бўлсам-да, мусиқа ва санъатга ҳавасим ўзгача. Ўқувчиларимиз ҳам қўшиқ ва санъат шинавандаларидир. Биз бу ердан олган таассуротларимизни мактабга бориб завқ ва ҳаяжон билан сўзлаб берамиз.

«Исломобод» марказида бўлиб ўтган маънавий-маърифий анжуман сўнгида унинг фаол иштирокчиларидан бир гуруҳига Раҳматуллоҳ Носирнинг 2007 йилда Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов масъул муҳаррирлигида яқинда чоп этилган ва бугунги анжуманда тақдимот маросими ўтказилган «Соз билан суҳбат» китоби ва тўпламдан ўрин олган қўшиқларнинг дисклари, шунингдек муаллифнинг «Ҳикматлар садоси» туркуми асосида яратилган «Хуршид атангдир, ой-ано...» номли китоби топширилди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев, хушовоз хонандалар Салоҳиддин Муҳиддинов, Жаҳонгир Мирзаев ижро этган мумтоз қўшиқлар «Саодат чамани»га ўзгача тароват бағишлади.

Солиҳ ЁҚУБОВ

СУРАТЛАРДА: «Исломобод» марказида бўлиб ўтган мароқли анжумандан лавҳалар.

Асқар ОБИДОВ олган суратлар

Иқтисодиёт

ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ХОРИЖДАН ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР КЕЛТИРИБ, УЛАРНИНГ ҚУВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЁТГАНЛИГИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТИШИДА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

«Акома» масъулияти чекланган жамиятида ҳам йилдан йилга чеварлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу, албатта корхона цехларини кенгайтириш, янги моделдаги маҳсулот турларини тайёрлаб, буюртмачиларни жалб этиш эвазига бўлмоқда. Трикотаж матолардан тайёрланган турли хил кийим-кечаклар—аёллар, эркаклар ва ўсмирлар учун мўлжалланган либослар харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Шунингдек, тадбиркорлар ички бозорни таъминлаш баробарида ўз маҳсулотларини қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишмоқда.

— Бугунги кунга келиб 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамизда 20 турдаги кийим-кечаклар тайёрланмоқда, — дейди корхона раҳбари Отабек Миржалолов. — Ўтган йилда Туркиядан янги гул босиш линияларини олиб келганлигимиз боис, маҳсулотларимиз кўриниши ва сифати ортди, турлари ҳам кўпайди. Шунингдек, матоларнинг сифатли бўялишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу эса харидорларимизни топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йил охиригача корхона тадбиркорлари янги тикув машиналари келтириш ва қўшимча ишчи ўринлари яратишни режалаб туришибди.

БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

ИЗЛАНИШЛАР АСОСИДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР ЭТИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛИШИ ЛОЗИМ.

Пойтахтимиздаги «QTY UNION» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган сантехника жиҳозлари ҳамда поездларнинг йўловчи вагонлари учун эҳтиёт қисмлар турлари ана шу асосда янгиланиб боради, замонавийлик ва қулайликка эътибор қаратилади.

Жорий йилда корхонада меҳнат қилаётган 20 дан зиёд ишчи-хизматчининг саъй-ҳаракатлари билан 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан бирмунча юқоридир.

Ҳозирда корхона мутахассислари янги маҳсулотлар яратиш устида изланишмоқда. Улар сифатли хом ашёдан керакли сантехника жиҳози — ванна ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Цехларга ўрнатилган Туркия дастгоҳ ва ускуналаридан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар ҳар бир буюртмани вақтида ва сифатли адо этишга ҳаракат қилишмоқдаки, бу харидорлар сафи ортишида асосий омил бўлмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Анжуманлар

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАННИ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ,МИРОБОД ТУМАН МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ,«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛАТ» ЁИҲ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗДИЛАР.

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳри бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, Миробод тумани бош имом хатиби Одилжон Холмуродов ва бошқалар Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли самарали ишлар, маданиятимиз ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, мазкур институт ректори А.Одилхўжаев мустақиллик йилида темир йўл соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ва ютуқлар, Миробод туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Б.Назаров Президентимизнинг 2007 йил 17 сентябрдаги «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан тадбиқ этилаётган ишлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди.

Анжуман доирасида институт талабалари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдириш баробарида ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Савол-жавобларга, фикр ва мулоҳазаларга бой анжуман барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

«БИЛАРЖОН» — БОЛАЛАРБОП ЖУРНАЛ

Республикамиздаги «Отсет принт» масъулияти чекланган жамияти муассислигида янги журнал чиқа бошлади. «Биларжон» деб номланган бу болалар нашри ёш журналхонларнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилади. Айни вақтда уларнинг ахлоқи ва ақли ривожланишига ёрдам беради.

Унинг биринчи сони ўқимишли бўлиб чиқди. Ундан «Ақл гимнастикаси», «Сен ва Мен», «Китобсевар» каби қизиқарли мақолалар ўрин олди. Уларнинг мазмунига мос расмлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, «Биларжон» журналининг ушбу нишона сони мамлакатимиздаги барча мактабларга бир нусхадан тарқатиладиган бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Санъат

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

«ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА» ДЕБ НОМЛАНГАН ФИЛЬМ ТОМОШАБИНЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР СТУДИЯСИДА ЯРАТИЛГАН БУ ЯНГИ ЭКРАН АСАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЎЗГА КЎРИНГАН АТОҚЛИ ШИФОКОР ОЛИМА МАЛИКА АБДУЛЛАХЎЖАЕВАНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Таниқли кинорежиссёр Аҳрор Акбархўжаев томонидан постановка қилинган ушбу фильмда йирик олимнинг патологик анатомия соҳасида олиб бораётган илмий изланишлари тўғрисида ҳам кенг маълумот берилган. Чиндан ҳам профессор Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги сифатида қатор монографиялар яратди. Унинг республика онкология илмий марказидаги патоморфология лабораториясида олиб бораётган жўшқин фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Академик олима республикамизда аёллар ичида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

БАСТАКОРНИНГ НАВБАТДАГИ КОНЦЕРТИ

ТАНИҚЛИ БАСТАКОР РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИДА СИМФОНИК АСАРЛАР КЕНГ ЎРИН ТУТАДИ. ИЗЛАНУВЧАН САНЪАТКОР ЯРАТГАН ФОРТЕПИАНО КОНЦЕРТЛАРИ ҲАМ ТИНГЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА.

Янги юзага келган «Фортепиано» туркуми ҳам мухлислар томонидан яхши кутиб олинди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида намойиш қилинган бу дастурдан ўрин олган мусиқалар моҳир созандалар Офелия Юсупова, Адиба Шарипова, Беҳзод Абдуллаевлар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Муаллифнинг ўзи ҳам бир неча асарни фортепианода тақдим этди.

«СЕВГИ ШАРОБИ» ЯНА САҲНАДА

ТАНИҚЛИ НЕМИС КОМПОЗИТОРИ ВА ДИРИЖЁРИ ПЬЕР ДОМИНИК ПОНЕЛЛЕ ЎЗБЕК ОПЕРА УСТАЛАРИ БИЛАН КЎПДАН БЕРИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА УНИНГ ДИРИЖЁРЛИГИДА БИР НЕЧТА СПЕКТАКЛЬ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ.

Композитор Гаэтано Доницертининг машҳур «Севги шароби» операсини саҳналаштиришда ҳам германиялик санъаткор ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилди. Ушбу опера мана икки йилдирки, театр репертуаридан ўрин олди. Навбатдаги 78-ижодий мавсуми муносабати билан театр яна мазкур асарга мурожаат қилди. Шу муносабат билан дирижёр Понелле Тошкентга ташриф буюрди.

Постановка муваффақиятли кўрсатилди. Унда театрнинг етакчи актёрлари асосий ролларни олиб чиқдилар.

Акбар АЛИЕВ

Театр ва замон

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕАТР САНЪАТИ ЯНАДА ЮКСАЛИБ, РИВОЖ ТОПМОҚДА. ЯНГИ-ЯНГИ САҲНА АСАРЛАРИ ЯРАТИЛИБ, САНЪАТСЕВАР МУХЛИСЛАР ЭТИБОРИНИ ҚОЗОНМОҚДА. МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ САНАЛМИШ ТЕАТР- ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИБ, УЛАРНИНГ КАМОЛОТГА ЕТИШИДА ТЕАТРЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.

Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан кенг кўламдаги самарали ишлар олиб борилмоқда.

—Пойтахтимиз театр жамоалари жорий йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиздаги барча маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёшлар билан кўплаб ижодий учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб келишмоқда, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Омонулла Ризаев.— Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида гастрол сафарлари ташкил этиб, туман ва қишлоқларда аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, спектакллар намойиш этишди. Бирлашма томонидан айниқса ёшлар ўртасида театр санъати орқали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда махсус дастур асосида ҳар жума кунлари шаҳарчадаги маданият саройида, талабалар турар жойларида ижодий учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Айниқса олий ўқув юрти талабаларининг театрларда таниқли ижодкорлар билан учрашувлари ниҳоятда сермазмун ва самимий руҳда ўтказилди. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахт ва водий театрлари ижодкорлари билан май-июнь ойларида шаҳардаги корхоналар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда бўлиб ўтган ижодий учрашувлар ҳам қизиқарли ўтди. Фарғона водийси бўйлаб 40 кун мобайнида давом этган ушбу маънавий-маърифий учрашувларда Ўзбек Миллий академик драма театри, Республика Ёш томошабинлар театри, бир қатор вилоят театрлари жамоалари истеъдодли санъаткорларининг серқирра ижод намуналари санъатсевар мухлисларда катта таассурот қолдирди. Шуни айтиш керакки, бирлашма томонидан уюштирилган вилоят театрларини пойтахтга, пойтахт театрларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ижодий сафарлари диққатга сазовор бўлмоқда.

Бу йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ҳамда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик байрамларига бағишлаб театрларда янги спектакллар саҳналаштирилди. Жумладан, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб Ўзбек Миллий академик драма театрида марғилонлик машҳур шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти акс эттирилган «Жаҳон отин Увайсий» (З.Солиева асари) номли спектакль саҳналаштирилиб, пойтахт театрларида намойиш этилмоқда. Марғилон ва Қўқон шаҳарларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий, Ўзбек Миллий академик драма, Республика Ёш томошабинлар, А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри ва бир қатор вилоят театрлари иштирок этиб, қирқ кун давомида томошабинларга манзур бўладиган саҳна асарларини намойиш этишди. Пойтахтимизга ташриф буюрган вилоят театрларининг 15 та спектаклидан эса етти ярим мингдан зиёд томошабинлар баҳраманд бўлишди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ёз мавсумида Тошкент вилоятидаги болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида Республика Қўғирчоқ театри, Республика Ёш томошабинлар театри, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ижодкорлари махсус дастурлари билан ёшларга маданий хизмат кўрсатишди. Пойтахтимиз театрлари Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва бошқа байрам тадбирларида муваффақиятли қатнашиб, сентябрь ойи давомида ўзларининг янги мавсумларини бошладилар. Жумладан Ўзбек Миллий академик драма театри «Жаҳон отин Увайсий», Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри «Отабек ва Кумуш», Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри «Майсаранинг иши» спектакллари билан янги мавсумни бошлашди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Ёшлари театри жорий йилнинг апрель ойида Санкт -Петербургда ўтказилган иккита халқаро театр фестивалида, яъни «Россия учрашувлари» халқаро фестивалида «Томдаги скрипкачи» (Шолом Алейхем), «Арлекин» болалар ва ёшлар фестивалида ўзбек халқ эртаги асосида саҳналаштирилган «Маликаи маъшуқага ҳадя» спектакллари билан муваффақиятли қатнашди. Шунингдек, Санкт-Петербургдаги «Россия учрашувлари» халқаро театр фестивали доирасида «Болтиқ уйи» театри ва Ёшлар театри актёрлари ҳамкорлигида саҳналаштирилган Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари асосидаги спектакли билан мастер-класс ўтказилганлиги диққатга сазовор бўлди.

Янги мавсумдан эътиборан барча театрлар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, уларга тегишли ёрдамлар кўрсатиш бўйича бирлашма ўз дастурини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этмоқда. Саҳналаштирилаётган спектакларнинг юқори савияда бўлиши халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятини бойитишга, тарбиявий аҳамиятига асосий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, театрларнинг ўзаро гастрол фаолиятини ҳам янада кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Зеро театр маданиятимиз, маънавиятимиз сарчашмасидир. Ундан баҳраманд бўлган киши ўзига тегишли хулоса чиқаради, албатта.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектаклидан саҳна кўриниши.

Ўз-ўз ўқитаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИКМАТЛАР

Ярамасларга қўшилма, фасоддан узоқлаш—бу икки нарсадан марднинг юзи қора бўлади.

* * *

Яроқсиз, ёвуз нарсалар бўлишини истамасанг, яроқсиз ишларни қилма.

* * *

Айшу ишратга берилма, ичкилик ичма—бу иккиси ўтиш мумкин бўлган кўпригі йўқ бир денгиз.

* * *

Шошилган ишдан одам манфаат ола олмайди.

* * *

Беглар хасис бўлса, номини булғатади.

* * *

Дағал сўзга одамнинг кўнгли бир пасда совийди.

* * *

Агар бегларнинг феъли ёмон бўлса, ёмонлар кучаядилар ва эзгуларнинг изини қуритадилар.

* * *

Ёмонлик бир оғудир.

* * *

Агар ўзинг ношукр бўлсанг, хўрлик муқаррардир.

* * *

Ёмонликни агар десанг қуритай,
Ўзинг яхши бўлгин —ёмон қуригай.

* * *

Бу дунё эй илиг, мисли экинзор,
Нима эксанг, уни ўрмоқлигинг бор.

* * *

Барча ҳайратомуз чиройли ишлар билим билан бўлади.

* * *

Ёмонга аралашма — ёмон куйдиради.

* * *

Ғофиллар машаққатларга дучор бўладилар.

* * *

Бегликнинг асоси ҳушёрлик ва зийракликдир.

* * *

Ғофил икки оламда ҳам йиғлайди.

* * *

Ҳаром еювчиларнинг ўрни тубсиз жаҳаннамдадир.

* * *

Одамларга ёмонлик соғинма.

* * *

Бу дунё сени эркалаб тебратади, сен зинҳор ғофил бўлмагин — у сени ухлатиб қўймасин.

* * *

Одамни ғафлат уйқусига ботирувчи ғофилдир — ғафлат уйқусига ғарқ бўлган одам жами ишларни ташлаб қўяди.

* * *

Шодлик билан айш-ишрат мутлақ ғафлатдир—мана шу ғафлат билан одам ўзини маҳв қилади.

* * *

Элиг ёмон бўлса, оламни бузади, тийиб-терговчиси бўлмаса, тўғри йўлдан озади.

* * *

Сен кучинг етгунча жаҳду жадал қилиб, эзгуликка интил, мабодо беҳуда ишлар қилиб қўйсанг, дарҳол узр сўрашга тутил.

* * *

Ҳеч маҳал тилингдан тавбани қўйма.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

СИФАТЛИ ВА ЧИДАМЛИ МАҲСУЛОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ҚУРОЛЛИ-КУЧЛАР УЧУН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ 2-АНЪАНАВИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмадан мақсад Қуролли Кучларимизга ажратилган маблағларни сифатли маҳсулотларга сарфлаш орқали ҳарбийларимиз жанговарлигини янада юксалтиришдан иборатдир. Шунингдек, ишлаб-чиқариш корхоналарининг маҳсулотини намойиш этиш ва уларга янги ҳамкорлар топишда кўмаклашишдир.

Кўргазмада ўттиздан зиёд фирма, корхона ва ташкилот ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Унда асосан, ҳарбий соҳа учун зарур бўлган техника ускуналари, турли кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон, маиший ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари намойиш этилди.

— Бундай кўргазмада иккинчи бор иштирок этишимиз, – дейди "Анка" корхонаси бош директори Нихат Фындвкчи. – Корхонамиз бир неча йиллардан бери ҳарбийлар учун турли хил кийим-кечак, оёқ кийими ишлаб чиқаради. Маҳсулотларимиз сифатли ва чидамлилиги билан ажралиб туради.

Кўргазмада иштирок этаётган "Гунча" ва "Анка" корхонаси, "Нишон-Н" фирмасининг маҳсулотлари Қуролли Кучларга етказиб берилаётган кийим-бош ва уларнинг сифати хусусида етарлича маълумот олишга имкон беради.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА, "Туркистон-пресс"

ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗНИНГ МУҲТАШАМ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК БИР ГУРУҲ УРДУШУНОС ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ САЖЖОД КАМРОН БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ДЎСТОНА МУЛОҚОТ

Ушбу мулоқот чоғида элчи жаноблари Покистон ва Ўзбекистон давллари ва халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик алоқалари, уларнинг ҳозиргидаврдаги аҳамияти ва тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида алоҳида ўхталиб ўтди. «Ўзбекистон-Покистон» дўстлик жамиятининг вице-президенти Тошмирза Холмирзаев алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун икки томонлама саъй-ҳаракатлар зарурлигини таъкидлади. Мулоқот чоғида Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё халқлари тили кафедрасининг мудири, профессор Озод Шамсибоев, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг Осиё бўлими бошлиғи Шуҳрат Худойқулов ва Ўзбекистон Миллий университети доценти Саъдулло Йўлдошевлар Ўзбекистон-Покистон алоқалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мулоқот давомида Ўзбекистон Давлат консерваториясининг чет тиллар кафедраси мудири Зиёдулла Насуллаев ижросида покистонча қўшиқ ва ғазаллар янгради.

Содиқ УМРОВ

Спорт янгиликлари

БОКСЧИЛАР БЕКОБОДДА БЕЛЛАШДИ

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида Ўзбекистон ва Россия чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жангларини ўтказишди.

Турнирнинг асосий жанги сифатида эътироф этилган беллашувда 20 ёшли ҳамюртимиз Абдулазиз Матазимов россиялик тажрибали боксчи Александр Шедринга қарши рингга кўтарилди.

Профессионал боксчилик фаолиятини бир йил муқаддам бошлаган Абдулазиз Матазимов россиялик чарм қўлқоп устаси билан бўладиган баҳсга пухта ҳозирлик кўрганини намойиш қилди. Саккиз раундлик жангни кескин ҳужумлар билан бошлаган ўзбекистонлик боксчи бешинчи раундга бориб, рақибига кучли зарба берди ва уни нокаутга учратди. Кетмакет бешинчи ғалабасини нишонлаган ҳамюртимиз ўз ҳисобига муҳим рейтинг очколарини ёзиб қўйишга муваффақ бўлди.

Профессионал бокс кечасининг яна бир саккиз раундлик жангида икки ўзбекистонлик боксчи – Иқбол Қурбонов ва Бобур Ортиқбоев ўзаро куч синашди.

Мазкур беллашувда Иқбол Қурбоновга аввалги тўртта жангда тўплаган тажрибаси қўл келди. Профессионал рингга эндигина иккинчи маротаба қадам қўйган Бобур Ортиқбоев учинчи раунддаёқ рақибининг устунлигини тан олишга мажбур бўлди.

Мусобақанинг энг кутилмаган натижаси ҳамюртларимиз — Шерзод Назаров ҳамда Шерзод Мамажонов ўртасидаги олти раундлик рейтинг жангида қайд этилди.

Профессионал боксчилик фаолиятини рақибига нисбатан бир йил олдин бошлаган ва олтита жангнинг барчасида ғалаба нашидасини суриб, шулардан бештасини муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган Шерзод Назаровнинг тажрибасиз боксчига очколар ҳисобида имконият бой бериб қўйишини ҳеч ким кутмаганди.

Унинг рақиби Шерзод Мамажонов эса профессионал боксга бу йил келган ва учта жангдан фақат биттасида ғалаба қозониб, икки маротаба дуранг натижа қайд этган эди. Лекин у тажрибали рақибига қарши бор имкониятини ишга солди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган жанг ҳисоб-китоби билан шуғулланган уч нафар ҳакам бир хил - 60:54 ҳисобида Шерзод Мамажанов ғалаба қозонганини эълон қилишди.

Машғулотларини Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказаётган Шерзод Назаров эса фаолиятида илк маротаба мағлубият аламини тотиб кўрди.

Ўзбекистонлик Зоҳид Худойбердиев ҳамда Россиядан келган Мамед Мамедов ўртасидаги баҳс ҳам олтинчи раунднинг сўнгги дақиқасигача кескин курашлар остида ўтди. Профессионал рингда учинчи жангини ўтказаётган ҳамюртимиз рақибига нисбатан тез, чаққон ва аниқ ҳаракат қилгани боис унинг аксарият зарбалари мўлжалга тегди. Буни инобатга олган ҳакам Зоҳид Худойбердиевнинг қўлини баланд кўтарди.

Профессионал бокс кечасининг ягона тўрт раундлик жангида Ҳасан Умаров дебютант боксчи — Асрор Сотволдиев билан беллашди. Фаолиятини жорий йилнинг августида бошлаган Ҳасан Умаров бир неча маротаба самарали ҳужум уюштиришга муваффақ бўлди ва кетмакет иккинчи ғалабасини қўлга киритди.

Боҳир БЕК

ҲАМШАҲРИМИЗ—СОВРИНДОР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ВЕЛОПОЙГА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМДА БОШҚ ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАН СПОРТЧИЛАР ҚАТОРИДА РОССИЯЛИК ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТИБ, ҒОЛИБЛИК УЧУН МУРОСАСИЗ КУРАШ ОЛИБОРИШДИ.

60 нафардан зиёд спортчи қатнашган ушбу мусобақалардан жой олган биринчи пойга — 25 километр масофага ўтказилган шахсий биринчиликда чирчиқлик Ғурод Холмуродовга тенг келадиган рақиб учрамаган бўлса, 40 километрга уюштирилган баҳслар яна бир чирчиқлик спортчи Ғолан Каримовга омад келтирди. У марра рақибларидан аввал етиб келиб биринчи ўринни эгаллади.

Шуниси қувонарлики, қолган совринли ўринлар россиялик Евгений Ковалёв ва ҳамшаҳримиз Вадим Шайховга насиб этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қатралар

АЖОЙИБ НАВ

Ток навдаси экилди-ю, парваришга ёлчимади. Новдалари таралмаган сочдек айқаш-уйқаш. Баланд бағазлардан осилиб, сўрининг олдини чачвондек тўсган. Эгаси «Чачвонни» хиёл кўтариб, узум нишонага мўралайди. Ундан норози, ижирғанади «Боғбон ота менга экиш учун новдангдан бераётганда ҳар ғужуми ўрикдек бўлади. Узум бошлари ҳадемай менинг ҳовлимда ҳам тебраниб ўзини кўз-кўз қилади, деб ўйловдим. Ҳозир ҳеч ўхшамайсан-ку, ўша навингга. Нўхотдек-нўхотдек-а ғужумларинг...»

—Хафа бўлма, сенинг ижодингмиз. Хомток, чопиқ, сув кўрмай меҳнатсиз, осонгина яралган узумман. Сендан бошқа ҳеч ким кашф қилолмайди мени. «Каттақўрғон»дан «Кичиккўрғонга айлантирган «ажойиб» навингман,—пичинг қилди узум нишонаси.

АВВАЛ ЎЙЛА...

Кимдир игнанинг хизматини ипга қараганда юқори қўйди.

—Бир кийим битгунча игнанинг орқасида қанча йўл босаман. Бу йўлда гоҳ бўшашиб, гоҳ таранг тортиламан. Игнанинг хизматини рўёбга чиқарсам-у, у мендан юқори турса,—алам билан деди Ип.

—Бир томондан эътирозинг ҳам тўғри,—дейишди Ипга, — бироқ игна бош уриб, сенга йўл очиб турмаса ўзингча юролмаслигингни ҳам ўйлаб, фикр қилишинг керак.

Бунинг исботи учун ҳаракатдаги игнани дарҳол тўхтатишган эди, Ип қаёққа юришини билмай чуваланиб гангиди.

Аввал ўйла, кейин сўйла, дегани шумикан?!

ТАЯНЧИДАН АЙРИЛГАЧ

Каттароқ тош ўзини ўраб турган майда тошларни менсимай кўчага чиқиб олди.

—Танҳо, ягонаман,—дея кеккаяди.

Ҳиёл вақт ўтмай «танҳони» ўткинчилар тепиб ўта бошлади. Бир азамат йигит йўл юрганники, деб уни пастликка улоқтирди.

Танҳо майда тош-таянчларини қўмсарди.

ЎЗИНГГА РАВО КЎРГАННИ БЕР

Эркин ака полиззорда икки марта қовун узса ҳам ҳосиллари қўл урилмагандек бодраб ётибди.

—Аллоҳ ҳосилга барака берганда кўздек қўшнимизни иккита қовун билан йўқласак, адаси,—деди Нури опа учинчи марта қовун узилиши олдидан.

Эркин ака хўп, деди-ю ўзи мўлжаллаган қовунни полиздан ҳадеганда тополмас, бозорбопини узишга эса кўзи қиймасди. Ниҳоят, шуларни қўшнимизга бериб қўй, дея ўғлига иккита қовунни қўлтиқлатди.

Орадан икки кун ўтгач, ишдан келса ҳовлидаги катта тоғорада сўйилган қовун. Тоғора ёнида эса сертўн иккита катта қовун турибди.

—Бу қанақаси?—деди ўзи узган қовуннинг пўчоғидан таниб.

—Қовунингиз ичи тушиб, ачиган экан. Сигирга олиб чиқишибди. Ёнидаги чиройли қовунлар бизга эмиш. Эркин ака қовунга ёлчимабди. Қовуннинг яхшисини ейишсин, деб бозордан биз учун шуларни сотиб олибди. Яхши қовунларимиз бўла туриб... Юзимиз шувут бўлди, дадаси,—хафа бўлди опа.

Эркин ака ўз феълидан сўкиниб, ичи тушган қовунидек эзилди.

Ўзингга раво кўрмаганни бировга ҳам раво кўрма. Ўзингга раво кўрганни бер, деган гап бағриторликнинг оқибатидан келиб чиққанмикин?!

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 3-уй
2	Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Кохота кўчаси, 75-уй
3	В.Успенский номли Республика махсус мусиқа академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-1, Мустахонов кўчаси, 71-уй
4	Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейи	Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3.Сўровнома (справка-объективка);
4.Таржимаи ҳол;
5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома;
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси 7-уй, 6-қават. Тел: 136-05-01, 133-80-34

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорларда иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонуний лиги ҳақида шубҳаланганингиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63 140-32-18.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 14:00